БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

153 (1673) | 3 август, 1960 йил, чоршанба | Баҳоси 20 тийин.

БИЛИМ ВА МЕҲНАТ

Ўзбекистон мактабларида янгича ишлашнинг дастлабки якунлари

Ш. РАШИДОВ
Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари

Бизнинг мактаблар ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда чинакам ҳал қилувчи роль ўйнашга даъват этилган.

Мактабларни коммунистик қурилиш талабларига мослаб қайта қуришда ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг хизмати каттадир. Н. С. Хрушчев ленинча таълимотни мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий муносабатлар ривожланишининг ҳозирги босқичида чуқур таҳлил қилиш негизида ижодий ривожлантириб, халқ маорифи системасини тагин ҳам такомиллаштириш-ҳам бу соҳада тегишли ишлар қилинди ва эндиликда ана шу қилинган ишларга дастлабки якун чиқарилса бўлади.

* * *

Республикада таълимни ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш меҳнати билан қўшиб олиб бориш соҳасида дастлабки қадамлар қўйилди. Ўқувчиларни меҳнатга яроқли қилиб тайёрлаш анча кучайди. Ўқувчиларнинг ёшига биноан биринчи синфдан саккизинчи синфгача меҳнат машғулотлари жорий қилинди. Ўрта мактабларнинг юқори синфларида ишлаб чиқариш таълими ташкил қилинди. 183 та мактабнинг тўққизинчи синфларида тажриба сифатида ўқувчиларни ишлаб чиқариш меҳнати билан боғлиқ бўлган турли касбларга ўргатиш йўлга қўйилди.

Мактабларнинг ўқув-ишлаб чиқариш базаси мустаҳкамланаётир. Республика мактабларида лаборатория тажрибалари ва амалий машғулотлар ўтказиш учун 4500 га яқин физика, кимё, биология ва бошқа фанларга доир кабинетлар, 2340 та ҳар хил устахона ва 3350 ўқув тажриба участкаси очилди. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши ўқув процессини анча жонлантирди, ўқувчиларда олган назарий билимларни амалда қўллай билиш анча ўсди.

Саноат корхоналари, қурилишлар, совхозлар, колхозлар, МРМ лар ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш таълимида асосий база бўлди. Бу соҳада оталик ташкилотлари мактабларга катта ёрдам кўрсатишаяпти. Масалан, Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи ўз оталигига олган 97-мактабда тўқимачилик ишини ўргатиш учун яхши мутахассисларни ажратди, мактабга махсус бино ва кўргазмали куролларни етказиб берди. Чирчиқ электрқимё комбинати партия ташкилотининг ташаббуси билан оталикка олинган иккита мактабда ишлаб чиқариш таълими устахоналари қурилди, асбоб-ускуналар ўрнатилди, кимё ва физика кабинетлари жиҳозлантирилди.

Тўққизинчи синф ўқувчилари саноат корхоналари ва қурилишларда токарлик, слесарлик, фрезеровкачи, дурадгор, сувоқчи, бўёқчи, электромонтёр, алоқачи, шофёр, киномеханик, лаборант, ҳарф теруви сингари касбларни ўргандилар.

Қишлоқ жойларида ўрта мактабларнинг 40 мингдан ортиқроқ юқори синф ўқувчилари республиканинг колхоз ва совхозларида ҳамда МРМ ларда гузилган 1655 ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларида меҳнат таълими ва ишлаб чиқариш тайёргарлигида ўтдилар. Улар меҳнатга жалб этилди ва тракторчилик, пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиси, пахтакорлик, боғбонлик, пиллачилик, чорвачилик касбларини эгалладилар.

Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва бошқа областлардаги кўпгина мактабларнинг ўқувчилар бригадаси аъзолари пахта, сабзавот ва полиз экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар. Ипак қуртини боқиб пилладан юқори ҳосил олдилар, бузоқларни боқиш, қўён, паррандаларни парвариш қилишда юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилиши уларнинг тарбиясига самарали таъсир қилмоқда, ёшларимизда жамият ва оила олдидаги бурч ҳиссини, меҳнатга муҳаббатини, моддий ноз-неъматлар яратишда бевосита иштирок этиш учун интилишини оширмоқда.

1959 — 1960 ўқув йилининг якунлари мактабларни қайта қуриш тўғрисидаги партия кўзда тутган программа — мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш, ёшларни коммунизм қурилишида фаол иштирок қилишга тайёрлашнинг тўғри йўл эканлигидан далолат беради. Шу билан бирга кўпгина мактабларнинг ўқув-тарбия ишида, ўқувчиларнинг политехник таълимини ташкил қилиш, уларнинг ишлаб чиқариш тайёргарлиги ишлари кўнгилдагидай борди, деб бўлмайди. Дарсларни ўқитишда формализм батамом тугатилмаган, лаборатория ва амалий ишлар етарли ўтказилмаётир, кўпгина мактаблар ишлаб чиқариш билан яхши боғланмаган, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими ҳамма жойда ҳам тўғри ташкил қилинмаган. Айрим қишлоқ мактабларида эса ўқувчиларни умумий таълимга зарар етказадиган даражада ҳаддан ташқари жисмоний иш билан банд қилиб қўйишдек сира тоқат қилиб бўлмайдиган фактлар содир бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика мактабларида ишлаб чиқариш таълимининг аҳволини қараб чиқди ва ишлаб чиқариш таълимини яхшилаш, шунингдек мактабларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш юзасидан конкрет тадбирлар белгилади.

* * *

Ўқитувчи, деган эди Н. С. Хрушчев, — янги одамни тарбиялашда партиянинг энг яқин ёрдамчисидир.

Мактабларнинг қайта қурилиши ўқитувчилар олдига янги, оширилган талаблар қўяди. Биз умумий билим берадиган фанларнинг ўқитилишини яхшилашимиз керак. Чунки баъзи бир мактабларда ана шу муҳим вазифага етарли баҳо бермаслик ҳоллари учраб туради. Юқори синф ўқувчиларини ишлаб чиқариш таълимига ўргатадиган мутахассислар керак. Шу муносабат билан ўқитувчи кадрларни тайёрлаб чиқарадиган олий ўқув юртларини қайта қуриш, шунингдек, ўқитувчилар тайёрлашни анча кенгайтириш зарурати туғилади.

Шу билан бирга ўқитувчиларни қайта тайёрлаш тобора кенгаймоқда.

Саноат корхоналарининг инженер-техник ходимлари ва малакали ишчилари, колхоз ва совхозларда эса қишлоқ хўжалиги мутахассислари, механизаторлар, энг яхши тажрибали кишилар ўқитувчи инструктор сифатида ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш таълимига жалб қилинмоқда. Улар махсус курсларда педагогик билим ва кўникмаларнинг тегишли минимумини олмоқдалар.

Болаларни ўқитиш ва тарбиялашда ишлаб чиқариш илғорлари ва маданият ходимлари кўрсатаётган қимматли ёрдамни алоҳида айтиб ўтиш керак. Улар ўқувчи ёшлар учун ўзига хос маҳорат мактаблари ташкил этмоқдалар. Маълумки, бу муҳим ишда украиналик машҳур комбайнчи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Марк Брага ташаббус кўрсатган эди. Тошкент областидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг тажрибали боғбони фахрий академик Ризамат ота Исамуҳамедов украиналик атоқли механизаторнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ўз районидаги мактабларда ўқувчилардан ток ўстирадиган мутахассис боғбонлар группасини тарбиялаб етиштиришга бел боғлади. Ҳеволик ганч наққоши, Сталин мукофоти лауреати уста Абдулла Болтаев болаларнинг архитектура ҳайкалтарошлик мактабини тузди.

Пахтачиликдаги атоқли механизаторлар, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Турсуной Охунова билан Валентин Тюпко яқинда Чиноз ва Янгийўл районларидаги мактабларни оталикка олдилар. Улар бу мактаблардаги бўлажак тракторчи ва пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиларига ўз билим ва тажрибаларини ўргатадилар.

Халқ ўртасидан чиққан бу жамоатчи педагогларнинг олижаноб ташаббуси республикада шубҳасиз кенг қўллаб-қувватланилади.

* * *

Бир сменалик машғулотларга кўчириш мактабларни муваффақиятли қайта қуришнинг муҳим шартидир. Мактабларни бир сменалик машғулотларга кўчирмасдан туриб ўқувчиларнинг синфдан ташқари ишларини кучайтириш, улгурмовчи ўқувчилар билан қўшимча машғулотлар ўтказиш, ҳархил тўгаракларни авж олдириш, узайтирилган мактаб ва группаларни тузиш сингари муҳим масалаларни тўла ҳал қилиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам республика партия ташкилоти **Узбекистондаги мактабларнинг ҳаммасини бир сменалик машғулотларга кўчириш вазифасини ҳал қилишга қаттиқ киришди. Бу шиор ҳамма жойда кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланди.**

Давлат ҳисобига, шунингдек колхозларнинг кучи ва маблағи билан янги мактаб бинолари қуриш, маъмурий ва бошқа биноларни мактабга бериш тобора қизғин тус олмоқда.

Фақатгина кейинги йилларда **республика колхозлари томонидан қарийиб икки минг ўқувчи ўқийдиган мингга яқин янги мактаб бинолари қурилди. Мингдан ортиқ маъмурий ва бошқа бинолар мактабларга берилди.** Натижада кейинги бир ярим йил мобайнида қўшимча равишда 2500 та мактаб бир сменали машғулотларга кўчирилди. Агар 1958 — 1959 ўқув йилининг бошида 1602 та мактабдагина машғулотлар бир сменада ўтказилган бўлса, 1959 — 1960 ўқув йилининг охирига келиб 4100 тадан зиёдроқ мактаб бир сменалик машғулотларга кўчди. Бу мактабларда республикадаги ўқувчиларнинг 70 процентдан кўпроги таълим олади. Бухоро ва Сурхондарё областларидаги қишлоқ мактабларининг ҳаммаси ва шаҳар мактабларининг анчагина қисми бир сменалик машғулотга кўчирилди. Бу партия, совет, комсомол ташкилотлари, хўжалик ходимлари, халқ маорифи органлари ва педагоглар томонидан ғайрат билан олиб борилган катта иш натижасидир. Республикадаги районларнинг учдан бир қисмидан кўпроғидаги мактабларнинг ҳаммаси бир сменада машғулот ўтказади.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

500 минг тонна учун!

АВГУСТ — МЎЛ ҲОСИЛ ТАҚДИРИНИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОЙ!



Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхозда бу йил етиштирилган ҳосилнинг кўпгина қисмини машинада териш учун пухта тайёргарлик кўрилмоқ да. Суратда: теримга шай қилиб қўйилган машиналар қайта кўздан кечирилмоқда.

В. Салов фотоси.

АҲДИГА МУСТАҲКАМ КИШИЛАР

Ўтган йили пахта тайёрлаш давлат планини бажара олмай ер чизиб қолган Куйбишев номли колхознинг аъзолари бу йил ўзгача ҳаракат қилмоқдалар. Улар барча майдонларда пахтадан мўл ҳосил етиштириш тадбирларини изчиллик билан амалга оширмоқдалар.

Колхоз правленниесининг янги составида, бошлангич партия ташкилоти барча куч ва моддий-техника воситаларини дала ишларига тўла сафарбар этди. Пахтакорларга ҳар тарафлама қулай шароит яратиб берилди. Шунинг учун ҳам ҳар гектар ердан 30 центнердан «оқ олтин» етказиб бериш учун кураш самарали давом этмоқда. Тўрт марта комплекс парваришдан чиқарилган ғўзалар барқ уриб яшнамоқда. Шона, гул, кўсаклари кўпаймоқда.

Колхозда бригадалараро социалистик мусобақа кенг авж олдирилган. Бугун Муроджон Қулменов, Рустамали Абдиев, Парда Раҳмонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг пахта далаларида иш ҳар қачонгидан ҳам қизғин. Улар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Августда ҳосил тўплаш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари ҳақида» чиқарган қарори асосида ғўза қатор ораларига икки томонлама ишлов бериш талаб қилган карталарга шарбат суви оқизиш тадбирларини амалга оширмоқдалар. Шу билан бирқаторда машина теримига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхознинг азамат пахтакорлари, моҳир механизаторлари ўтган йилги доғни бу йил албатта ювадилар, аҳдларининг уддасидан чиқадилар. Пахта майдонларида етиштирилаётган мўл ҳосил ана шундан дарак бермоқда.

Т. ЙЎЛДОШЕВ,
П. ТОЖИЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссияларида

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Соғлиқни сақлаш ва социал таъминот комиссиясининг мажлиси бўлди. Депутат О. Н. Павлова раислик қилган бу мажлисда Ўзбекистонда водопровод ва канализация шохобчалари қурилишининг аҳволи тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Республика «Водоканал» трестининг бошқарувчиси А. М. Чебикин ахборот берди.

Мажлисда қурилиш министри Ўринбосари И. В. Марценюкнинг уйжой ва маданий-маиший қурилишнинг бориши ҳақида ахбороти ҳам тингланди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Бюджет комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисда депутат Ғ. Ғ. Юсупов раислик қилди. Комиссиянинг 1960 йил биринчи ярмида қилган ишларининг якунлари муҳокама қилинди. Мажлисда комиссиянинг йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган иш плани қараб чиқилди ва қабул қилинди. (ЎзТАГ).

80 процент майдондаги пахта машинада терилади

Чиноз районидаги Сталин номли колхознинг 935 гектар пахта майдони ва 15 та пахта териш машинаси бор. Бу машина билан 350 гектар ердан 900 тонна пахта териш мумкин. Лекин бу, колхоз правлениесини қаноатлантирмайди.

— Чунки,— дейди колхоз раиси ўртоқ Ҳамдам Очилов,— ўтган йили шаҳардан келган ёрдамчиларга пахта териб берганлари учун 406 минг сўм ҳақ тўланди. Улар бир тонна пахта терганлари учун 400 сўмдан олдилар. Аммо машина билан терилган ҳар бир тонна пахтага бор-йўғи 60 сўм харажат қилинди. Мақсадимиз бу йил ёрдамчиларга қараб қолмаслик ва терим харажатларини иложи борича камайтиришдан иборат.

Хўш, бу колхозда мана шу мақсадга эришиш учун нималар қилинаяпти? Аввало колхоздаги 15 та пахта териш машинаси ремонтдан чиқариб қўйилди. План бўйича 350 ўрнига 750 гектар ердаги, яъни 900 тонна ўрнига, 1875 тонна пахтани машина билан теришга қарор қилинди. Қандай қилиб мавжуд 15 та машина билан 1875 тонна пахта териш мумкин? Бунинг учун колхоз правлениеси ҳар бир машинанинг икки сменада ишлашини мўлжалламоқда. Пахта териш машинасида ишлаш учун 15 киши ўрнига 32 механик-ҳайдовчи тайёрланди. Улар орасида тажрибали механик-ҳайдовчилар бор.

Эргаш Райимқулов ўтган йили машина билан 150 тонна пахта терган эди. Бу йил у ХВС 1—2 маркали машина билан 250 тонна пахта теришга аҳд қилган. Райимқулов ўзи бошлиқ трактор-далачилик бригадасининг 50 гектар еридаги ғўзани аввал баҳордан бери ҳосилини машина билан теришга мослаштириб парвариш қилмоқда.

Райимқулов изидан бораётган колхознинг Вагиз Илъёсов, Субҳи Абдукаримов, Сайдамир Тожиқулов сингари механизаторлари ҳам мавсумда машина билан 100—150 тоннадан пахта теришга аҳд қилганлар.

Колхозда машина билан пахта терилаётган пайкаллар биринчи навбатда чеканка қилинди. Еввойи ўтлардан пешма-пеш тозаланиб турилибди. Ғўзани ортиқча суғориб ғовлатиб юборманслик учун бу соҳага алоҳида эътибор берилаётир. Колхоз механизаторлари мана шундай йўллар билан 80 процент майдондаги пахтани машина билан териб олиш, қўл билан сарф этиладиган жуда кўп маблағни тежаб қолиш ва пахтанинг таннархини камайтириш учун курашмоқдалар.

Б. ХАЛИЛОВ.
«Тошкент ҳақиқати» мухбири

Ҳосилимиз мўл, юзимиз ёруғ бўлсин деб

Колхоз раиси Юсуф ака қўшни колхозларнинг ғўзалари билан танишиб қайтаётганида қуёш эндигина уфққа ёнбошлаган эди. У атайин иккинчи трактор-далачилик бригадаси пахта далалари томон йўл олди. Бу бригада аъзолари кўпдан бери мақталиб келинмоқда. Ғўзаларининг авжи чакки эмас. Ҳар туп ғўза кўнгилдагидек ҳосил тўпламоқда. Ҳалол меҳнатнинг самараси кўзга ташланиб турибди. Лекин, бу бригада илғор, деб ўз ҳолига ташлаб қўйилса ҳолидан хабар олиб турилмаса, бўлмайди. Ҳа, шунинг учун ҳам кўнгли тиниб-тинчимаган раис шу бригада ғўзасини оралаб кўздан кечириб юрибди.

Яқиндагина культиватор тиши юмшатиб ўтган эгатнинг тупроғини қўли билан ағдариб кўрди. Чакки эмас, азамат механизаторга балли. Эни 40—45 сантиметр, чуқурлиги ҳам жойида. Ҳар туп ғўзанинг сершох, серҳосил бўлиб ўсаётганлигининг боиси ҳам ана шунда.

Раис эгатларга жилдиратиб сув тараётган, ёши 50 лардан ошиб қолган Одилжон ака билан саломлашди. Қулоқбошларига бостирилган чим, ҳар туп ғўзанинг жонини киритиб жилдираб оқаётган сув Одил аканинг ўз ишига пухта эканлигидан далолат бериб турибди.

— Ишингиздан кўнглим тўлди, Одилжон ака,— деди раис мамнун бўлиб.

— Юкимиз оғир, ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил оламиз деб аҳд қилганимиздан кейин, ишимизнинг чўғи ҳам, сифати ҳам ана шунга яраша бўлиши керакда,— кулиб жавоб берди Одил ака.

Раис билан сувчи 3—4 туп ғўзадаги ҳосил элементларини санаб кўришди. Ҳар тупида 10—15 тадан гул, 5—6 тадан тўқ кўсак, яна шига-шига шона бор. Эндиги ҳамма гап ана шу ҳосилни тўла сақлаб қолиш ва ҳосилга-ҳосил қўшишла қолган. Агар бригада аъзолари ишни бўшаштирмай, август ойи ичида ҳам белни маҳкам бойлаб меҳнат қилсалар, 40 центнер ҳеч гап эмас, албатта хирмон баракали бўлади. Раис ана шуларни бир зум ҳаёлидан ўтказди. Кейин сувчининг елкасига қўлини ташлаб:

— Хирмонингиз баракали бўлсин, — деди.

Чиндан ҳам ўртоқ Мажид Шукуров бошлиқ бригадада баракали ҳосил етиштирилмоқда. Бригадалараро бошланган социалистик мусобақада бу бригада олдинда боряпти, яхши муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

Колхознинг Мирзажон Абдуллаев, Аҳмад Юнусов, Тешабой Бегматов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам ҳар туп ғўзада тўпланаётган ҳосил кишини қувонтиради. Ғўза культиватциядан қолдирилмасдан, сувдан толиқтирилмасдан парвариш қилинаётганлиги сабабли ҳосилга-ҳосил қўшилмоқда.

— Бу йил биз,— дейди колхоз раиси ўртоқ Юсуф Файзиев,— 730 гектар пахта майдонимизнинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилгачмиз. Бу аҳднинг уддасидан чиқиш учун август ойида ҳам ғўза парваришини қизғин давом эттирамиз.

Х. ШАРИПОВ,
И. ҚУЧҚОРБЕКОВ.
Янгийўл районидаги «XIX партсъезд» колхози.

Юқоричирчиқликлар ташаббусига қўшилиб

Юқори Чирчиқ районининг меҳнаткашлари ҳар гектар ердан 35 центнердан, айрим хўжаликларда эса 40—45 центнердан пахта ҳосили етиштирамиз, деб ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олганлар. Улар бошлаган ташаббус областимизнинг илғор хўжаликлари ўртасида кенг ёйилмоқда.

Янгиер шаҳридаги «Коммунизм» колхози аъзолари ҳам шу олижаноб ташаббусга қўшилиб, мўл ҳосил учун ҳар тарафлама пухта замин яратмоқдалар. Бу хўжаликда Ғанишер Юнусов изидан бориб, гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштирамиз деб астойдил бел боғлаган бригадалар оз эмас. Бугун Абдуманнон Зиёев, Фармонқул Сулров, Қўшоқ Маҳкамов, Тўйчи Жалилов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг пахта далаларида бўлган кишининг баҳри-дили очилади. Ҳар туп ғўзада ҳозиринг ўзидаёқ 7—8 тадан тўқ кўсак бор.

Яқинда колхознинг бригада бошлиқлари, активлари билан биргаликда йиғилиш бўлиб ўтди. Бу йиғилишда колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Турсунбой Латипов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Августда ҳосил тўплаш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари ҳақида» чиқарган қарорини йиғилганларга ўқиб, тушунтириб берди. Йиғилиш қатнашчилари «Биз ҳам юқоричирчиқликлар ташаббусига қўшиламиз, колхозимиз бўйича 2350 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштирамиз» деб қарор қилдилар.

Колхоз аъзолари, механизаторлар август ойида барча майдонлардаги ғўзага икки марта комплекс ишлов берамиз, лозим топилган майдонларга шарбат суви оқизиб, бўлиқ ғўзаларга тенглаштириб оламиз, деган мақсад билан ишламоқдалар.

Ҳаммадан қувонарлиги шуидаки, колхозда етиштирилган ҳосилнинг ярмини, яъни 4 минг тоннасини машинада териш планлаштирилган. Шу мақсад билан августнинг биринчи ярмида барча пахта териш ва кўрак чувиш машиналарини ремонтдан чиқариш, механик-ҳайдовчи кадрларни тайёрлаш соҳасига ҳам катта эътибор берилаяпти. Пахтаси машина билан терилади-ган майдонлардаги ғўзалар моҳир механизаторлар томонидан алоҳида парвариш қилинмоқда.

Е. ГОДОВИКОВ.

ЧЕКАНКАНИ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК!

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЧЕКАНКА ҚИЛИШ БЎЙИЧА 1960 ЙИЛ 2 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Бир кунда	Ҳаммаси
Бекобод	8,5	92,0
Юқори Чирчиқ	1,5	89,5
Ўрта Чирчиқ	2,5	66,9
Пискент	4,1	58,6
Оққўрғон	9,3	57,2
Сирдарё	3,1	55,4
Гулистон	6,5	51,8
Қуйи Чирчиқ	11,4	49,5
Бўка	6,7	47,2
Янгиер шаҳри	6,2	45,4
Чиноз	10,1	39,8
Янгийўл	6,5	35,7
Оржоникидзе	3,5	18,5
Область бўйича:	6,2	55,5

СИЗ ҚАНЧА СИЛОС БОСТИРДИНГИЗ?

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА СИЛОС БОСТИРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1960 ЙИЛ 2 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Берилган топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Топшириқнинг бажарилиши
Қуйи Чирчиқ	21,4
Янгиер шаҳри	21,1
Оққўрғон	15,2
Чиноз	13,2
Ўрта Чирчиқ	12,3
Оҳангарон шаҳри	10,3
Бекобод	9,9
Юқори Чирчиқ	9,5
Гулистон	9,2
Янгийўл	8,3
Бўка	6,2
Пискент	5,2
Сирдарё	4,9
Оржоникидзе	3,5
Бўстонлиқ	2,0
Калинин	—
Олмалиқ шаҳри	—
Область бўйича:	4

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Илгари хабар қилинганидек, Тошкент область партия комитетининг IV пленуми бўлиб ўтди. Пленум Бекобод, Гулистон, Пискент район ва Янгиер шаҳар партия комитетларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленумининг қарори қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботларини, шунингдек, «Хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш ҳақида»ги докладни тинглади ва муҳакама қилди.

Биринчи бўлиб Бекобод район партия комитетининг секретари **И. Н. Ҳуснутдинов** ҳисобот берди.

У айтдики, район пахтакорлари бу йил яқиллик билан ўз зиммаларига Ватанга камида 50 минг тонна пахта бериш ва пахта етиштириш бўйича 1965 йилга мўлжалланган даражага эришиш каби юксак мажбурият олдилар. Давлатга икки йиллик план миқдорида гўшт сотиш, сут, сабзавот, картошка, полиз экиндари маҳсулоти, мева ва узум етиштиришни бирмунча кўпайтиришга қарор қилинди.

Олинган мажбуриятларни бажариш учун курашда ҳозирнинг ўзидаёқ айрим муваффақиятлар қўлга киритилди. Колхоз ва совхозлар давлатга бир йиллик план миқдорида гўшт ва икки йиллик план миқдорида тухум сотдилар. Бироқ асосий вазифа — пахта етиштириш юзасидан олинган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми районда кўпчилик майдонлардаги ғўзанинг аҳволи қониқарсиз эканлигини ҳаққоний равишда кўрсатди. Район партия ташкилоти, колхоз ва совхозларнинг барча меҳнаткашлари ғўза парвариши соҳасида юз берган аҳволни тузатиш юзасидан чоралар кўрдилар. Бироқ «Победа» колхози, «Чаноқ» совхози, Ленин номли колхоз, 1 ва 2-«Далварзин» совхозларининг кўпчилик бригадаларида мавжуд камчиликларга барҳам бериш юзасидан етарли оперативлик кўрсатилмади. Ҳозирча ҳамма жойда ҳам ҳаракат қилмоқда. Районда давлатга гўшт сотиш плани 138 процент бажарилди. Жун, тухум, пилла ва галла сотиш планлари ҳам адо этилди. Чорвачилик соҳасида катта камчиликдар бор. Йирик шохли қорамоллар ва сигирлар сонини кўпайтириш плани бажарилгани йўқ.

Чорва моллари учун мустаҳкам ем-ҳашак базаси яратиш ҳам қониқарсиз бораётир. Такрор маккажўхори экиш соҳасида кечикишга йўл қўйилаётир, бир қатор хўжаликдарда дағал ем-ҳашакларни ўз вақтида ўриб олинмаётир ва тайёрланмаётир. Маккажўхоридан силос бостириш секин бормоқда.

Гулистон районы областнинг энг йирик пахта етиштирувчи районидир. Районда Ғанишер Юнусов бошчилигидаги мўл ҳосил учун кураш ҳаракати кенгаймоқда. Кўпчилик трактор-далачилик бригадалари ундан ибрат олиб, коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номни олиш учун курашмоқдалар. Илғор бригадаларда ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар туп ғўзада ўрта ҳисобда олтитадан бўлиқ кўсак ҳосил қилинди.

Бироқ, ғўза парвариши соҳасида катта камчиликлар мавжуд. «Ленинизм», «Октябрь», «Коммуна», «Ленинград», Сталин номли, Ленин номли колхозларда ҳосил тўплаш сут бораётир. Ана шу хўжаликларнинг кўпчилик майдонларида ҳар туп ғўзада кўпи билан 2,5—3 тадан кўсак ҳосил қилинди. Бу каби жиддий аҳвол юз берганлигига қарамай, айрим хўжаликларда кейинги вақтларда ғўзани кўндалангига культивация қилишни камайтиришга интилиш сезилмоқда.

Август ойида барча майдондаги ғўзага камида бир ярим марта, қолоқ участкалардаги эканга эса икки марта комплекс ишлов берамиз. Бунда ғўзани кўндалангига культивация қилиш кўзда тутилмоқда. Август ойида далага камида 20 минг тонна ғўнг ташиб чиқарилади, кам деганда 10 минг гектар ердаги экинни «шарват» оқизиш йўли билан суғорамиз.

Пахтаси машина билан теришга ажратилган барча майдонларни яқин кунлар ичида текшириб кўриш ташкил этилади ва пахта териш машиналаридан юқори, унум билан фойдаланишни таъминловчи агротехника тадбирларининг комплекси амалга оширилади.

Сўнгра ўртоқ Укубоев Киров номли магистраль канали раҳбарларини катта аварияларга йўл қўйганликлари ва районнинг пахта далаларига етарли миқдордаги сувни ўз вақтитида етказиб беришни таъминламаганликлари учун танқид қилди.

Область партия комитетининг секретари ўртоқ **Э. Т. Шайхов** ўзининг қўшимча докладида районда кейинги кунларда ғўза парвариши сусайтириб юборилганлигини, моддий-техника ресурсларидан унумли фойдаланилмаётганлигини ва натижада районнинг кўпчилик хўжаликларида ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликка барҳам берилмаганлигини кўрсатди. Экинни кўндалангига культивация қилиш қисқартирилмоқда. Кўпчилик механизаторлар культивациянинг сифатига эътибор бермаётирлар. Оқибатда қўл меҳнати сарфининг миқдори кўпаяётир. Бу, етиштириладиган пахта таннархининг ошиб кетишига олиб келади. Районда қарийб 5 минг гектар ердаги ғўзани ўт босган.

Трактор паркидан ёмон фойдаланилмоқда. Гарчи тракторларга СУЗ ва ўғитлагич аппаратлари ўрнатилган бўса ҳам, ғўзага фосфорли ўғитлар солинмаётир.

Ғўзани суғориш қониқарсиз ташкил этилган. «Мирзачўл» совхозида сувдан фойдаланиш коэффициенти ҳаммаси бўлиб 39 процентни ташкил этади.

Кўпчилик колхозлар маҳаллий ўғит тўплаш юзасидан берилган топшириқни бажармадилар. Айрим жойларда кўсак қурти пайдо бўлган, ўргимчаккана ва шира йўқотилмаган. Ғўзани чеканка қилиш йўл қўйиб бўлмаслик даражада кечиктирилмоқда.

Пахта териш машиналарини ремонт қилиш суст бораётир. Мавжуд 274 пахта териш машинасидан фақат 110 таси ремонт қилинган. Пахта териш машиналарининг икки сменада ишлашини ташкил қилиш учун 170 механик-ҳайдовчи етишмайди. Шунга қарамай механик-ҳайдовчиларни ўқитишга киришилгани йўқ.

Доклад қилиш учун Пискент район партия комитетининг секретари ўртоқ **И. Юнусов**га сўз берилади. У, айтдики, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг III пленумидан кейин кўпчилик колхозлар ва совхознинг бўлимлари ғўза парваришини анча яхшиладилар ва ҳозирги вақтда максимал даражада ҳосил элементлари тўплаш учун курашаётирлар. Бироқ умуман район бўйича ғўзанинг аҳволи ҳамон жиддий ташвиш туғдирмоқда. Ғўза ривожланиш жиҳатидан ўтган йилдагига қараганда 10—12 кун кейинда қолмоқда.

Ишчи кучи ресурсларидан фойдаланишда жиддий камчиликлар бор. Ҳали ҳам кўпчилик колхозчилар ва совхоз ишчилари жамоат ишида қатнашмаётирлар. Механизмларнинг бир қисми турли сабаблар билан бекор турмоқда.

Бир қатор колхозларда пахтакорларга юқори унумли меҳнат қилиш учун зарур шароитлар яратиб берилмаган.

Район партия комитети ва район ижроия комитети ғўза парвариши соҳасидаги жиддий камчиликларни ҳисобга олиб, зиммадаги мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида август ойи учун комплекс тадбирлар белгиладилар.

Бу йил, дейди докладчи, биз студентлар ва ўқувчиларни пахта йиғим-теримига жалб этмоқчи эмасмиз. Ўтган йилдагига қараганда қарийб икки баравар кўп пахтани машиналар билан териб оламиз. Шу мақсадда 6400 гектар ер машина терими учун ажратилган. 1 сентябргача барча пахта териш машиналарини тайёрлаб қўямиз ва механик-ҳайдовчиларнинг ишини тугаллаймиз. Шу муносабат билан область партия комитетидан районимизга қўшимча равишда ХВС—1,2 маркали 25 та пахта териш машинаси ажратиш ҳақидаги масалани яқин кунлар ичида кўриб чиқишни илтимос қиламиз.

Қўшимча доклад қилган область партия комитетининг аъзоси ўртоқ **С. Солимуҳамедов** район партия комитети ва район ижроия комитети, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларини жиддий танқид қилди.

Пискент районы хўжаликларида узунасига ва кўндалангига қилинган культивациянинг сонига қараб баҳо берадиган бўлсак, унда иш гўё жойидадек кўринади. Бироқ ғўзанинг ҳозирги аҳволи олинган мажбуриятдан келиб чиқадиган талабларга жавоб бермайди. «Пискент» совхозида катта майдонлардаги ғўза чанқатиб ва қовжиратиб қўйилган, карталарнинг чети ва марзалари яхши ишланмаган. Район хўжаликлари тўла гектар учун курашмаганлар. Ғўзани чеканка қилиш йўл қўйиб бўлмайдиган даражада кечиктирилмоқда. Пахта териш машиналарини тайёрлаш ёмон бормоқда.

Янгиер шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ **А. А. Сардоров** ўз докладида пленум қатнашчиларига шаҳар хўжаликларида олинган социалистик мажбуриятларни бажариш йўлида қилинаётган ишлар ҳақида гапириб берди. Шу билан бирга у, колхоз ва совхозларда ғўзани кўндалангига культивация қилиш суръати кескин равишда камайиб кетганлигини ва сифати ёмонлашганлигини, механизаторларнинг иш унуми пасайиб кетганлигини тан олди. Ғўзанинг ҳозирги аҳволи унга ишлов беришни кучайтиришни талаб этади. Чунки, катта майдонлардаги экин ривожланиш жиҳатидан ҳамон орқада қолмоқда.

2-«Боёвут» совхозида 400 гектардан ортиқ ва «Фарҳод» совхозида 100 гектар майдондаги ғўзани ниҳоятда ўт босган.

Сўнгра ўртоқ Сардоров шаҳар колхоз ва совхозларида август ойида зарур миқдорда ҳосил тўплаш, шунингдек жамоат хўжалигининг бошқа тармоқлари бўйича олинган социалистик мажбуриятларни бажариш юзасидан кўрилаётган тадбирлар ҳақида гапирди.

Область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ҳ. Ж. Жалилов** ўзининг қўшимча докладида бегона ўтларга қарши кескин кураш очиш зарурлигига эътиборни жалб этди. У, шаҳар хўжаликларида пахта майдонининг кўпгина қисмида ғўза қатор ораларини дарҳол ўтоқ қилиш лозимлигини кўрсатди.

Шаҳар колхоз ва совхозларида кўчат сийрак бўлиб қолган. 2-«Боёвут» совхозида ҳар гектар ерда кўп деганда 50 минг туп, «Дружба» совхозида эса 37 минг туп кўчат бор. Имкони борича кўпроқ ҳосил элементлари тўплаш учун қаттиқ кураш олиб бориш, шу мақсадда экинга ишлов беришни ҳар тарафлама кучайтириш лозим. Бироқ механизмлардан ёмон фойдаланилмоқда. Кейинги кунларда шаҳарда ҳар куни 80 дан ортиқ трактор бекор турмоқда. Ишлаётган тракторларнинг иш унуми эса белгиланганидан анча кам ва бир кунда 4—5 гектардан ошмаётир.

Ҳисобот докладлари ва қўшимча докладлар юзасидан музокаралар бошланди.

Биринчи бўлиб Юқори Чирчиқ район партия комитетининг секретари ўртоқ **Н. В. Ким** сўз олади. У, олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашиб, район меҳнаткашлари эришаётган муваффақиятлар ҳақида гапирди. Давлатга гўшт ва сут сотиш планлари, қўйлардан баҳорда жун қирқиб олиш юзасидан белгиланган топшириқ муддатидан илгари ва тўла адо этилди. Район меҳнаткашлари каноп ва пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун мувоффақиятли кураш олиб бормоқдалар.

Ҳозирги вақтда экинни суғоришга алоҳида эътибор берилаётир. Ғўзага ҳам кечаси, ҳам кундузи сув берилаётир. Экин ривожланишдан орқада қолган участкаларга қўшимча ишлов берилди. Ғўзани чеканка қилиш тугалланаётир.

Район меҳнаткашлари бу йил етиштирилган ҳосилни ўз кучлари билан йиғиб-териб оладилар ва бу ишга шаҳар аҳолиси жалб қилинмайди. Шу мақсадда ҳосилнинг камида 45 процентини машиналар билан териб олишга қарор қилинди.

Биз, дейди ўртоқ Ким, районга қўшимча равишда 22 та пахта териш машинаси ажратишни илтимос қиламиз. Механик-ҳайдовчи кадрларни эса ўзимиз тайёрлаймиз.

Сўнгра нотиқ район партия ташкилоти мавжуд камчиликларга барҳам бериш юзасидан ҳозирги вақтда кўраётган тадбирларга тўхталди.

Минбарга Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг раиси ўртоқ **А. Ортиқов** кўтарилади.

Колхозимиз аъзолари партия ва ҳукуматимиз кўрсатмаларини амалга ошира бориб, янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ҳозиргача давлатга икки йиллик план миқдорида гўшт топширдик, шунингдек сут сотиш йиллик плани 114 процент бажарилди. Хўжаликнинг бу тармогини янада юксалтириш учун кўплаб ем-ҳашак жамғариб, силос бостириш учун курашмоқдамиз. Чўчқачиликнинг аҳволи яхши йўлга қўйилган эмасди. Энди бу соҳага ҳам эътиборни кучайтирамиз.

Пахта етиштиришни кўпайтиришга, районимиз бўйича 50 минг тонна пахта сотиш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашамиз. Ҳар гектар ердан 37 центнердан ҳосил топширамиз. Яқинда карталарни бирма-бир айланиб чиқиб, ҳали 150 гектарга яқин ердаги ғўзамизнинг ривожи ёмонлигини аниқладик. Ҳозир асосий эътиборимиз ана шу ғўзаларни яхшилаб олишга қаратилди.

Бўка район партия комитетининг секретари ўртоқ **Т. Ражабов** ўз сўзида ғўзани парвариш қилиш соҳасида катта камчиликлар борлигини эътироф қилди. Фарғона область ва Тожикистон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси ана шу камчиликларни кўрсатиб беришган эди. Район партия ташкилоти август ойида аҳволни яхшилаб олиш юзасидан барча зарур чораларни кўраётир.

Районда пахтани машина билан теришга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Мавжуд машиналарнинг кўпчилиги ҳозирнинг ўзидаёқ ремонт қилиб қўйилди. 15 августгача барча пахта териш машиналарининг ремонти тугалланади.

Пискент районидаги Тельман номли колхоз коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ҳакимполвон Қодиров** бундай деди:

—Биз юз гектар ерда пахта етиштирмоқдамиз. Ҳар гектардан 75 центнердан ҳосил топширамиз деган ниятимиз бор. Бу йил об-ҳаво анча ноқулай келди, лекин қараб турмадик, анчагина пахтамизни дўл уриб кетганига қарамасдан қаттиқ ишлаб, бу ердаги ғўзаларимизни ўнглаб олдик. Ҳозиргача ғўзага тўрт марта кўндалангига, тўрт ярим марта узунасига ишлов берилди. Натижа ёмон бўлмаяпти. Ҳар туп ғўзамизда 10—12 тадан кўсак бор.

Лекин бу нарса бизни хотиржамлантириб қўймайди. Биз август ойида ҳам астойдил ишлаб, ғўза парваришини давом эттиришга қарор қилдик. Биз ғўзамизни ғовлатмасдан, машина теримига боп қилиб ўстирмоқдамиз. Август ойида ғўзага яна икки марта кўндалангига ва икки марта узунасига ишлов берамиз, маҳаллий ўғит соламиз.

Область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **А. И. Руцкий** ўз сўзида трактор-далачилик бригадаларининг иш тажрибасини анализ қилишга алоҳида эътибор берди. Машҳур пахта усталари Ғанишер Юнусов, Турсуной Охунова, Валентин Тюпко, Шарофат Бозорова, Тошмамат Алижонов, Ҳакимполвон Қодиров ўртоқлар ва уларнинг издошлари бошчилик қилаётган бригадаларнинг даласида пахтадан мўл ҳосил етиштирилмоқда. Улар ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар туп ғўзада 6—7 тадан бўлиқ кўсак ҳосил қилишга эришдилар. Ана шу бригадаларнинг тажрибаси олинган социалистик мажбуриятларни бажариш билан бир қаторда, етиштирилган маҳсулотнинг таннархини кескин равишда камайтириш учун ҳам барча имкониятлар мавжуд эканлигидан далолат беради.

Пахта етиштиришни комплекс механизациялаш йўли тутилганлиги трактор-далачилик бригадаларига шу йилнинг биринчи ярмида 20 миллион сўмдан ортиқ маблағни иқтисод қилиш имконини берди. Чигитни квадрат-уялаб экиш ва ҳар бир уяга аниқ миқдорда уруғ ташлайдиган сеялкалар билан экишни қўлланиш колхоз ва совхозларга ҳар гектар ерга сарфланадиган уруғлик чигитнинг миқдорини 11 килограмм камайтириш учун шароит яратди. Натижада халқ хўжалиги учун 500 тонна юқори сифатли ёғ ишлаб чиқариш ва давлатнинг 2 миллион сўмдан ортиқ маблағини иқтисод қилиш имконияти туғилди.

Комплекс механизация жорий қилинганлиги туфайли қўл меҳнатини қисқартириш ҳисобига 892 минг меҳнат куни кам сарфланди.

Бироқ ҳамма ерда ҳам пул ва моддий маблағларни иқтисод қилиб сарфлашга етарли эътибор берилаётир, деб бўлмайди. 1-«Далварзин», «Мирзачўл», 3-«Боёвут» совхозларида, Бўка районидаги «Ленинизм» ва «XIX партсъезд» колхозлари ҳамда бошқа бир қатор хўжаликларда ғўза парваришига ортиқча меҳнат сарфлашга йўл қўйилди.

Биринчи масала юзасидан бўлган музокараларда Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси **А. Матқобулов,** Чиноз район ижроия комитетининг раиси **М. Музаффаров,** Гулистон районидаги «Октябрь» колхозининг раиси **А. Д. Брухтий,** «Оққўрғон» совхозининг директори **Ж. Акрамов,** Оққўрғон район партия комитетининг секретари **С. Нишонбоев** ўртоқлар ҳам чиқиб сўзладилар.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан — «Хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш тўғрисида» Тошкент область партия комитетининг секретари ўртоқ **Х. Р. Мусахонова** доклад қилди.

Докладчи айтдики, бизнинг шонли хотин-қизларимиз областимиз олдида турган вазифаларни ҳал қилишда актив иштирок этмоқдалар. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги туфайли ўзбек хотин-қизлари социалистик жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, коммунизм учун актив курашчи бўлиб қолдилар.

Ҳозирги пайтда область халқ хўжалигида 320 мингдан ортиқ, шу жумладан саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида 200 мингдан ортиқ хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

Бизнинг хотин-қизларимиз коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари номини олиш учун бошланган мусобақада жуда актив иштирок этмоқдалар. Областимизда биринчи бўлиб бу мусобақага Тошкент тўқимачилик комбинати йигирув фабрикасидаги ўртоқ Нединова раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари қўшилдилар. Уровчи Салтанат Иўлдошеванинг номини «Тошкенткабель» заводида ҳамма ҳурмат билан тилга олади.

Хотин-қизларимиз колхоз ва совхоз далаларида ҳам фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар пахтадан, жут-каноптан, маккажўхоридан, сабзавотдан, картошкадан, бошоқли ва полиз экиндаридан юқори ҳосил олиш учун курашмоқдалар, чорвачилик фермаларида молларнинг ва паррандаларнинг маҳсулдорлигини оширмоқдалар, пилла етиштиришни кўпайтирмоқдалар.

Тошкент области бўйича 1960 йилда 500 минг тонна пахта етиштириш ҳақида ўртоқ Н. С. Хрушчев номига ёзилган хатни муҳокама қилиб, хотин-қизлар раҳбарлик қилаётган кўпгина бригадалар ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олдилар. Масалан, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозидан Норматова, Абдуллаева, Киров номли колхоздан Иўлдошева ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари ҳар гектар ердан 45 центнердан «оқ олтин» етиштиришга, Гулистон районидаги «Ленинград» колхозининг ўртоқ Шодмонова раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари 52 центнердан, Бўка районидаги Охунбобоев номли колхозининг Саодат Гулаҳмедова бошчилигидаги бригада аъзолари гектар бошига 55 центнердан ҳосил кўтаришга ваъда бердилар. 1-«Боёвут» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони коммунист Шарофат Бо-

(ДАВОМИ УЧИНЧИ БЕТДА)

БИЛИМ ВА МЕҲНАТ

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Ҳозирги вақтда биз ўқувчилар контингентининг ўсишини ҳисобга олиб, мактабларнинг ҳаммасини бир сменага жадал равишда кўчиришнинг ўрни борлиги ва бу ишнинг ҳаммасини таъминлаш учун ҳаракат қилинаётганлиги ҳақида ёзган эдик. Ҳозирги пайтда ҳамма ерда ҳам ишлаётган ва ишлаётган ишчилар ва ишчилар ва ишчилар ва

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

зорова бригадаси 145 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқда. Бу йил бригадага раҳбарлик қила бошлаган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова ҳар гектар ердан 60 центнердан «оқ олтин» етиштириш ва шахсан ўзи машинада 250 тонна пахта териш мажбуриятини олди. Турсуной фақат бригадага бошчилик қилаётгани, трактор ҳайдаётгани, ёш қизини тарбиялаётгани йўқ, у ўзининг бой тажрибасини сафдошларига ўргатиш учун ҳам вақт топаётир.

Хотин-қиз пиллачиларимизга алоҳида ташаккур айтишимиз керак. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли бизнинг область республикада биринчи бўлиб ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятини бажарди ва пилла етиштириш бўйича 1963 йил учун белгиланган даражага эришди.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қўлга киритилган ютуқлар партия ташкилотларининг область меҳнаткашлари ўртасида тарбиявий ишларни бирмунча яхшилаганликлари натижасидир. Кейинги йилларда бу соҳадаги иш хотин-қизлар ўртасида ҳам анча яхшиланди. Хотин-қизлар партия, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларида актив ижтимоий-сиёсий ишларга кенг жалб этила бошланди.

Ҳозирги пайтда область партия ташкилоти составида 14 мингга яқин хотин-қиз, Ленин комсомоли сафларида эса 68 мингдан ортиқ хотин-қиз бор. 4288 хотин-қиз маҳаллий Советларга, 94 хотин-қиз область Советига, 34 хотин-қиз СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлигига сайланган. Областда 11 мингдан ортиқ хотин-қиз агитация-пропаганда ишларини олиб бормоқда. Область, шаҳар ва район партия комитетлари кейинги вақтларда хотин-қизларни раҳбар партия ва совет органларига кўтариш соҳасида маълум даражада иш қилдилар.

Лекин шу билан бирга, деди ўртоқ Мусахонова, областимизда хотин-қиз кадрларни раҳбарлик ўринларига кўтариш қониқарсиз аҳволда. Кўпгина партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари хотин-қиз кадрларнинг партия, совет, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги ролига етарли даражада баҳо бермаётирлар. Областимизда хотин-қизлардан фақат икки киши колхоз раиси ва бир киши совхоз директори эканлигининг ўзи ҳам хотин-қизларга ишончсизлик билан қараларетганлигини кўрсатади.

Колхоз ва совхозларда хотин-қизларни раҳбарлик ўринларига кўтариш қониқарсиз аҳволда. Областдаги колхоз ва совхозларда фақат 57 хотин-қиз далачилик ва трактор-далачилик бригадаларига ва беш киши чорвачилик фермалари ва бригадаларига раҳбарлик қилмоқда.

Саноат корхоналарида хотин-қиз инженер-техник ходимларни раҳбарлик ишларига кўтариш соҳасида кўрилаётган тадбирлар ҳам қаноатланарли эмас. Собиқ Тошкент Халқ хўжалик кенгаши корхоналарида хотин-қизлардан фақат 16 киши корхона директори, 31 киши бош инженер, 266 киши цех ва бўлим бошлиқлари бўлиб ишламоқда. Хотин-қизлар халқ маорифи, соғлиқни сақлаш органларида, савдо ва жамоат овқатланиш системаларида, шунингдек партия, совет ташкилотларидаги раҳбарлик ишларига жуда кам кўтарилмоқдалар.

Докладчи бир қанча район партия ташкилотларини, жумладан Қуйи Чирчиқ, Бўка район партия комитетларини, Оҳангарон шаҳар партия комитетини хотин-қиз кадрларни тарбиялаш соҳасида суст ишлаётганликлари учун танқид қилади. Ўртоқ Мусахонова уқдириб айтадики, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари хотин-қиз кадрларни тарбиялашдек муҳим сиёсий ва давлат аҳамиятига эга бўлган ишга ниҳоятда жиддий эътибор беришлари зарур.

Кейинги вақтларда партия, совет, касаба союз ва бошқа ташкилотлар хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни бирмунча кучайтирдилар.

Шаҳар ва район хотин-қизлар Советлари ўз ишларини бирмунча жонлантирдилар. Уларнинг кўпчилиги болаларни соғломлаштириш кампанияси ва болалар билан мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш соҳасида катта иш олиб бормоқдалар, кўчалар, ҳовлилар, корхона территорияларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда актив иштирок этмоқдалар, маиший ва маданий-оқартув муассасаларининг иши устидан назорат қилмоқдалар. Ҳозирги пайтда областда 1008 та хотин-қизлар совети ташкил этилган. Уларда 10 мингдан ортиқ хотин-қиз ишламоқда. Лекин кўпгина партия ташкилотлари ана шу катта кучга ҳануз етарли эътибор бермаётирлар ва ундан хотин-қизлар ўртасида олиб бориладиган ишларни яхшилаш учун фойдаланмаётирлар.

Гулистон ва Сирдарё район партия комитетлари хотин-қизлар советларининг иши устидан контроллик иши ҳозирги талабларга тўла жавоб бермаётганини таъкидлайди. Областнинг деярлик ҳамма шаҳар ва районларида болаларни болалар муассасаларига жойлаштириш учун жуда узоқ вақт наббат кутиш керак. Шунга қарамай болалар муассасалари қурилиши мутлақо қониқарсиз олиб борилмоқда.

Сўнгра докладчи область меҳнаткашларига медицина хизмати кўрсатиш яхшиланганлиги, даволаш муассасаларининг шохобчалари кенгайганлиги ва улардаги жойларнинг сони кўпайганлиги ҳақида гапириди. Лекин аҳолига, айниқса хотин-қизларга медицина хизмати кўрсатиш соҳасида катта камчиликлар бор. Бизда туғруқхоналар, хотин-қизлар консультацияси, болалар ва хотин-қизлар касалликлари бўйича врачлар ва ҳоказолар етишмайди. Партия, совет, касаба союз ташкилотлари, соғлиқни сақлаш органлари, шунингдек колхоз правлениелари ана шу масалаларни ҳал қилиш юзасидан кескин чораларни кўришлари лозим.

Ўртоқ Мусахонова ўз докладининг охирида ишонч билдириб айтадики, пойтахт область партия ташкилоти хотин-қиз кадрларни тарбиялаш, уларни жой-жойига қўйиш ва раҳбарлик ишларига кўтариш соҳасидаги камчиликларни тугатиш ва шу билан бирга коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини ҳал қилишда хотин-қизларнинг янада активроқ иштирок этишини таъминлаш мақсадида зарур шароитни яратиб бериш учун ҳамма имкониятларга эга.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда биринчи бўлиб Бўстонлиқ район партия комитетининг секретари ўртоқ **И. И. Ладушкин** сўзлади. У, район партия ташкилоти хотин-қизларни районнинг сиёсий ва хўжалик ҳаётига ҳануз суст жалб этаётганлигини, ўтмишнинг сарқитларига, хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлиш ҳолларига қарши етарли кураш олиб бормаётганлигини эътироф этди.

Сўнгги давргача хотин-қизлар раҳбар партия, совет ва хўжалик ишларига, шунингдек халқ маорифи органлари ҳамда савдо муассасаларидаги лавозимларга етарли равишда кўтарилмади. Докладчи, дейди нотиқ, бизнинг ишимиздаги камчиликларни ҳаққоний танқид қилди.

Район партия комитетининг бюросида, деб сўзида давом этди нотиқ, биз ўз ишимиздаги камчиликларни аниқладик ва уни бартараф қилиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиладик.

Уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ҳ. Турсунқулов** ўз сўзида айтдики, ўзбек хотин-қизлари революциядан илгари ҳуқуқсиз, тўрт девор орасига ўралиб қолган эдилар. Октябрь қуёши барқ урганидан кейин улар эркин нафас ола бошладилар. Эрлар билан бир қаторда бахтли ҳаёт яратиш учун курашдилар. Мана энди кўриб турибмиз, оналар ўз фарзандларини улгайтириб, келажагимизнинг актив қурувчилари қилиб тарбиялаш билан бирга завод, фабрикаларда, колхоз ва совхозларда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Бири инженер, бири олим, бири ўқитувчи, бири доктор, бири донгдор пахтакор...

Хотин-қизларнинг ҳалол меҳнатини ўз колхозимиз мисолида ҳам кўриб турибмиз. Улар етти йилликнинг иккинчи йилида пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашнинг олдинги сафларида боришиб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ **С. А. Раҳматхўжаева** ҳозирги вақтда халқ хўжалиги ва маданий қурилишнинг совет хотин-қизлари ишламаётган бironта ҳам соҳаси йўқ эканлигини кўрсатди. Тошкент шаҳрининг корхоналарида 150 мингдан ортиқ хотин-қиз меҳнат қилаётир. Ҳар бир корхонада етти йиллик топшириқларини бажариш учун давом этаётган умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшаётган меҳнат қаҳрамонлари бор.

Хотин-қизларни жамоат ва ишлаб чиқариш ҳаётига кўпроқ актив қатнаштириш учун биз фақат корхона ва муассасалардагина эмас, балки маҳаллаларда, уй бошқармалари ҳузурида хотин-қизлар советлари ташкил эта бошладик. Ўтган йили шаҳарда ўз составига 6 минг кишини бирлаштирган 640 хотин-қизлар совети ташкил этилган эди. Хотин-қизлар советлари хотин-қизлар ўртасида маданий-тарбиявий ва оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришда партия ва совет ташкилотларига катта ёрдам кўрсатаётирлар.

Ўртоқ Раҳматхўжаева «Ўзбексельмаш» заводи ҳузурида ташкил этилган хотин-қизлар совети (раиси ўртоқ Полонская), Тошкент тўқимачилик комбинати ҳузурида ташкил этилган хотин-қизлар совети (раиси ўртоқ Андрианова), 2-Янгийўл маҳалласида ташкил этилган хотин-қизлар совети (раиси ўртоқ Шарипова) ишидаги ижобий томонларни мисолга келтиради.

Бироқ, дейди ўртоқ Раҳматхўжаева, хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган ишларда ҳали кўпгина камчиликлар бор. Шаҳарда ҳали ҳам паранжи ёпиниб юришга барҳам берилгани йўқ. Биз эскилик урф-одатларига риоя қилувчиларга қарши кенг жамоатчилик фикрини жалб этмаётирмиз.

Сўнгра ўртоқ Раҳматхўжаева хотин-қизларга маданий-маиший шароит яратиб беришни яхшилаш ва болалар боғчалари ҳамда яслилари қурилиши масалаларига тўхталди.

Бўка районидаги Охунбобоев номли колхоз коммунисик меҳнат бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **С. Гулаҳмедова** ўз сўзида бундай деди:

Бугунги пленумда хотин-қизлар билан ишлаш масаласи ўртага ташланиб, муҳим масала кўтарилди. Бу пленумда Бўка район партия ташкилотининг хотин-қизлар билан ишлаш соҳасида йўл қўйиб келаётган баъзибир камчиликлари жуда тўғри таҳқид қилинди. Биз буни эътироф этамиз.

Районимизда хотин-қизлардан 84 киши коммунистлардир. 7,5 минг хотин-қиз пахта далаларида ҳалол меҳнат қилмоқда. Бу йил 10-синфни битирган қизлардан 96 киши фермаларда ишлаш ҳоҳишини билдирдилар. Эндиликда улар ишлаб чиқаришнинг авангарди бўлиш учун курашмоқдалар.

Областимизда Турсунойнинг изидан бориб механизацияни ўрганиш иштиёқи билан тўлиб-тошган хотин-қизлар оз эмас. Ҳозир дугоналаримиздан 11 киши механик-ҳайдовчи деган шарафли номни олиш арафасида турибди. Уларнинг ҳар бири мавсумда 100—150 тоннадан «оқ олтин» теришга аҳд қилганлар.

Ўз бригадамиз ҳақида шуни айтишим мумкин: 50 гектар ерда 8 киши ишламоқдамиз. 55 центнердан ҳосил етиштирамиз, деган аҳдимиз бор. Ғўзаларимизнинг ҳозирги ривожи чакки эмас. Август ойида эса ва бошқа мўл ҳосил усталари бу йил ҳар гектар ерда 50, 60 центнер ва ундан ҳам кўп пахта етиштириш, бригаданинг ҳар бир аъзоси ҳисобига 30—40 тонна ва ундан ҳам кўп юқори сифатли биринчи сорт пахта олиш ҳамда маҳсулотнинг таннархини камайтириш учун фидокорона курашмоқдалар. Умуман область бўйича 40 дан ортиқ бригада ҳар гектар ердан 50 центнер ва ундан ҳам кўп, 70 бригада ҳар гектар ердан 40—50 центнер ва 200 дан ортиқ бригада ҳар гектар ердан 35—40 центнер ҳосил олиш учун курашаётир.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози Андижон область Наманган районидаги Сталин номли колхоздан намуна олиб, Тошкент областида биринчи бўлиб, колхоз бўйича бу йил ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил олиш учун социалистик мусобақани бошлаб берди.

Бу йил «Оққўрғон» совхози совхозлар ўртасида бошланган мусобақанинг ташаббускори бўлди. Бу совхоз ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқда. 1-«Далварзин», 1-«Боёвут», 3-«Боёвут», «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозлари ва «Малик» тажриба хўжалиги «Оққўрғон» совхозининг ташаббусини қўллаб-қувватладилар.

Бу йил бутун-бутун районлар пахтадан мўл ҳосил олиш учун курашга қўшилаётганликлари қувончли бир ҳолдир. Мисол учун, Оржоникидзе райони ҳар гектар ердан 40 центнердан, Янгийўл ва Юқори Чирчиқ районлари эса ҳар гектар ердан 35 центнердан пахта олиш учун курашмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумида ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари парваришини ташкил қилиш, чорвачиликни ривожлантириш, қишлоқда партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни олиб бориш соҳасида Тошкент область партия ташкилотининг ишида мавжуд бўлган катта камчиликлар ва хатоликлар ҳаққоний танқид қилинган эди.

Партия ва совет ташкилотларининг, бир қатор колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари экинни ўз ҳолига ташлаб қўйдилар, ғўзанинг ривожланиш жиҳатидан орқада қолишига йўл қўйдилар, ғўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун етарли кураш олиб бормадилар.

Айрим колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари баъзи район партия комитетлари уларга нисбатан етарли талабчанлик қилмаётганликлари сабабли ўтган йиллардаги аччиқ сабоқларни эсдан чиқариб юбордилар. Дастлабки у қадар катта бўлмаган муваффақиятлар уларнинг бошини айлантириб қўйди: зарарли хотиржамлик ва ўз-ўзини юпатиш кайфияти юз бермоқда.

Айрим колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари мўл ҳосил олишни таъминловчи ишнинг асосий турларини ҳозирнинг ўзидаёқ амалда тўхтатиб қўйдилар. Улар уюшқоқлик билан ишлашни ташкил этиш ўрнига, кўсакларни санашга киришмоқдалар, ҳам ўзларини, ҳам колхозчилар ва совхоз ишчиларини юпатмоқдалар.

Район партия комитетлари берган маълумотларга қараганда областимиздаги 300 дан ортиқ бригада, 74 колхоз, 13 совхозда ғўзанинг аҳволи ёмон, у ривожланиш жиҳатидан орқада қолмоқда. Ана шу хўжаликларда ва бригадаларда олинган социалистик мажбурият ўёқда турсин, ҳатто давлат планининг бажарилишини ҳам таъминлайдиган даражада ҳосил тўпланмаётир. Ўз-ўзидан маълумки, бундай шароитда ғўза парваришини тўхтатиб қўйиш мумкин эмас, балки уни барча чоралар билан кучайтириш зарур.

Ўртоқ Ғуломов ғўза парваришини суръатини, айниқса экинни кўндалангига культивация қилишни сусайтириб юборганликлари, ғўзани суғоришни яхши ташкил этмаётганликлари учун Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Бекобод районлари партия ва совет ташкилотларининг раҳбарларини қаттиқ танқид қилди.

Гулистон районида ғўзанинг аҳволи жиддий ташвишга сабаб бўлаётир. Қишлоқ хўжалик мутахассисларининг фикрича, районда ғўзанинг ҳозирги аҳволи олинган юксак социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламайди ва шу сабабли фақат август ойи мобайнидагина эмас, балки сентябрь ойининг биринчи декадасида ҳам ғўза парвариши соҳасида жуда кўп меҳнат қилиш талаб этилади.

Вазифа шундан иборатки, ғўзаси нормал ривожланган майдонлардан мўл ҳосил олиш билан бир қаторда, ғўзаси қолоқ участкаларда ҳам ҳосил яхши бўлишини таъминлаш лозим. Ана шу майдонларда кўсакларнинг етилишини ва очилишини тезлаштириш учун барча зарур чораларни кўриш ҳамда ҳар бир гектар ерда олинган социалистик мажбуриятда назарда тутилганидек ҳосил тўплашга эришиш керак.

Нотиқ сувдан фойдаланишни жиддий равишда яхшилаш, ғўзани суғоришдаги камчиликларга барҳам бериш лозимлигини кўрсатади

Суғориш техникасини бир мунча яхшилаш, сувчилар сонини ошириш, бу ишга тажрибали кишиларни ажратиш, ҳамма ерда ғўзани кечаси суғоришни ташкил этиш ва суғоришнинг юқори сифат билан ўтказилишини таъминлаш зарур.

Пахта далаларини ўт босганлиги ташвишга сабаб бўлмоқда. Барча карталардаги, барча уялардаги бегона ўтларни ҳеч бир кечиктирмасдан ва ҳамма ерда йўқотиш, пахта далаларининг тўла равишда тозаланишига эришиш керак.

Кўпчилик район, колхоз ва совхозларда область партия комитетининг қўшимча равишда маҳаллий ўғит тўплаш ва уни пахта далаларига солиш ҳақидаги талаби бажарилмаётир. Маҳаллий ўғитларни далага ташиб чиқаришни ташкил этиш, уни август ойи мобайнида ерга солиш, айниқса ғўзаси ривожланиш жиҳатидан орқада қолаётган участкаларга кўпроқ ғўнг бериш, экинни суғорган вақтда «шарват» оқизиш йўли билан озиқлантиришни кенг қўлланиш лозим.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш тадбирларини ўтказиш соҳасида ҳам жиддий камчиликлар бор. Колхоз ва совхозларнинг ихтиёрига самолётлар, трактор аппаратлари, заҳарли химикатлар бериб қўйилган. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларини қириб ташлаш ишларини дарҳол қизитиб юбориш, бу ишни тўхтовсиз давом эттириш зарур.

Сўнгра нотиқ ҳосил элементларини сақлаб қолиш, ҳосил тўплаш ва уни эрта етилтиришни таъминловчи энг муҳим тадбирлардан бири бўлган ғўзани чеканка қилиш ҳақида муфассал гапирди. Айрим районлар, колхозлар ва совхозларнинг, даставвал, Оржоникидзе, Янгийўл, Оққўрғон, Чиноз, Қуйи Чирчиқ, Бўка, Бекобод районларининг раҳбарлари ғўзани чеканка қилишга масъулиятсизлик билан қарамоқдалар. Мўл ҳосил учун кураш манфаатлари ҳеч истисносиз барча колхоз ва совхозларда ғўза чеканкасини 5 августдан кечикмасдан тугаллашни талаб этади.

Ўртоқ Ғуломов ишнинг аҳволини яхшилаб олиш учун пахтакорлар яна кўп меҳнат қилишлари лозимлигини кўрсатади. Лекин ихтиёримиздаги вақт оз. Август ойи ичида ҳар бир туп ғўзада камида 10—12 тадан бўлиқ кўсак ҳосил қилиш каби асосий вазифани ҳал қилиш лозим. Чунки, бусиз олинган социалистик мажбуриятларни бажариш ҳақида ўйлаш ҳам мумкин эмас.

Август ойида экинга камида 1,5—2 марта комплекс ишлов беришни ташкил этиш, трактор ва қўл билан бажариладиган ишларнинг сифатига жиддий эътибор бериш, ўсимликнинг ривожланиш даврини тезлаштириш, етарли миқдорда ҳосил элементлари тўплашга эришиш керак.

Бу вазифаларнинг ҳаммасини муваффақиятли равишда адо этмоқ учун барча тракторлардан тўла равишда фойдаланиш, колхозчилар ва совхозларнинг ишчиларини максимум даражада ишга жалб этиш зарур.

Ўртоқ Ғуломов ўз нутқида меҳнат унумини ошириш, маҳсулот таннархини камайтиришнинг кучли воситаси бўлган пахтани машина билан териш масаласига катта ўрин берди.

Ўтган йили республикада ва Тошкент областида пахта териш машиналаридан фойдаланишда маълум даражада ўзгариш ясалди. Бироқ шунга қарамай пахтанинг кўп қисми қўл кучи билан, йиғим-теримга жалб қилинган шаҳар аҳолисининг кучи билан териб олинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида қилган докладида республикада бундан кейин студентлар, ўқувчилар ва солдатлар пахта йиғим-теримига жалб қилинмайди, деди. Шундай экан, кўпроқ пахтани машиналар билан териб олиш ва бу билан илгари шаҳарликлар терган миқдордаги пахтанинг ўрнини қоплаш лозим.

Бу йил областда камида 140—150 минг тонна, яъни ўтган йилдагига қараганда икки баравар кўп пахта машиналар билан териб олиниши керак. Бу катта мажбурият. Унинг бажарилиши кадрларнинг, пахта далалари ва техниканинг мунали тарзда тайёрлаб қўйилишига боғлиқ.

Бироқ ҳозиргача бironта ҳам районда пахтаси машина билан терилдиган далалар текшириб кўрилгани йўқ. Техникани тайёрлаш ёмон бормоқда. Кадрларни тайёрлаш соҳасидаги аҳвол ҳам қониқарсиз. Кўпчилик районларда икки сменада ишлаш учун механик-ҳайдовчиларни танлаш тамомлангани йўқ. Янги «ХВС—1,2» пахта териш машиналарида ишловчи механик-ҳайдовчиларни тайёрлаш пайсалга солинмоқда.

Ана шу камчиликларнинг ҳаммасига, деб таъкидлайди нотиқ, яқин кунлар ичида барҳам бермоқ зарур. Етти йилликнинг иккинчи йили бўлган бу йил олинган мажбуриятларнинг сўзсиз равишда бажарилиши учун ҳар биримизнинг зиммамизга жуда катта партия ва давлат жавобгарлиги юклатилган. Олинган мажбурият ҳар бир район, колхоз, совхоз ва бригада томонидан ҳеч сўзсиз бажарилиши зарур. Биз областимиз партия ташкилотларини ва барча меҳнаткашларини пахта учун, КПСС Марказий Комитети ва шахсан Никита Сергеевич Хрушчевга берилган ваъданинг шараф билан устидан чиқиш учун курашга сафарбар этишимиз лозим.

Сўнгра ўртоқ Ғуломов чорвачилик соҳасидаги ишнинг аҳволини характерлаб берди ва ем-хашак тайёрлаш, маккажўхорини ўриб-йиғиб олиш ва унинг кўкпоясидан силос бостиришнинг бориши ҳақида гапирди. У, кўпчилик районларда бу иш ҳали кенг йўлга қўйилмаганлигини кўрсатди. Вазифа шундан иборатки, барча колхозларда ва совхозларда маккажўхорини ўриб-йиғиб олиш ва унинг кўкпоясидан силос бостиришни дарҳол қизитиб юбориш зарур. Фақат шундай қилинганидагина барча чорва молларини ширали озуқалар билан таъминлаш ва силос бостириш юзасидан белгиланган топшириқни бажариш мумкин бўлади.

Сабзавот ва полиз экинлари маҳсулоти, картошка, мева ва узум етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун ҳали кўп иш қилиш керак. Ҳозирги вазифа — сабзавот ва картошка экинлари парваришини тўғри ташкил қилиш ҳамда ана шу экинлардан мўл ҳосил олишни таъминлашдан иборат. Шу билан бир қаторда етилган ҳосилни йиғиб-териб олиш ва сотишни тўғри ташкил этиш, давлатга сабзавот ва картошкани ўз вақтида сотиш ҳамда ана шу маҳсулотлар билан меҳнаткашларни тўхтовсиз равишда таъминлашга эришиш зарур.

Пахта етиштиришни кўпайтириш ва қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини янада ривожлантириш соҳасидаги жуда катта вазифаларни муваффақиятли равишда бажармоқ учун қишлоқда партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни тубдан яхшиламоқ лозим.

Ғўза парваришининг энг масъулиятли ҳозирги даврида шаҳар, район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини яхшилашга, коммунистларни тўғри жойлаштиришга алоҳида эътибор бериш керак. Барча коммунистлар колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг ҳал қилувчи участкаларига бошчилик қилишлари, меҳнатда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишлари, ўзларининг авангардлик ролларини муносиб равишда бажаришлари, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг бутун оммасини ўз орқаларидан эргаштириб боришларига эришмоқ лозим.

Илғорлар ва новаторларнинг тажрибасини умумлаштириш ва оммалаштириш, илмий-текшириш ташкилотлари эришган муваффақиятларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига қатъиятлик билан жорий этиш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Барча сиёсий, оммавий-агитация ишлари далада, кишилар ишлаётган, ҳосилнинг тақдири ҳал қилинаётган жойда марказлаштирилиши керак. Дала шийпонларини яхшилаб жиҳозлаш, уларни агитация-пропаганда материаллари билан жиҳозлаш, системали равишда лекциялар, суҳбатлар, сиёсий информациялар ўтказиб туришни, газета материалларини ўқиб беришни йўлга қўйиш лозим. Колхозчилар ва совхоз ишчиларига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, умумий овқатланишни ташкил этиш, болалар боғчалари ва яслиларининг яхши ишлашини таъмин этиш, болали аёлларнинг унумли меҳнат қилиши учун барча зарур шароитларни яратиб бериш лозим.

Сўнгра нотиқ аҳоли ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларнинг савияси ҳозирги куннинг талабларига жавоб бермаётганлигини кўрсатади. Сиёсий агитация кўп ҳолларда ҳаётдан, ишлаб чиқаришнинг конкрет вазифаларидан ажралган ҳолда олиб борилмоқда ва шу сабабли у кўзланган мақсадни ифода этмаётир, унинг таъсирчанлиги етарли эмас. Район ва шаҳар партия комитетларининг биринчи секретарларидан областнинг шаҳар ва районларида бу ишнинг мақсадга мувофиқ равишда йўлга қўйилиши учун шахсий жавобгарликни талаб этиш керак. Шаҳар ва район марказларидаги эталик ташкилотлари колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришда бошланғич партия ташкилотларига яқиндан ёрдам кўрсатишга даъват этилганлар.

Сўнгра нотиқ область хотин-қизлари ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишларнинг аҳволига тўхталади, бу соҳадаги мавжуд камчилик ҳамда етишмовчиликларни кўрсатади. Айниқса хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлиш ҳолларига чидаш мумкин эмас. Бу ҳолга қарши кескин кураш олиб бориш лозим.

Меҳнаткашлар ўртасида ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни чинакамига кучайтириш, барча партия активини, касаба союз ва комсомол ташкилотларини, бутун жамоатчиликни эскиликнинг жирканч қолдиқларига барҳам бериш учун курашга сафарбар этиш, эски урф-одатларга риоя қилувчиларга қарши кенг жамоатчиликнинг фикрини жалб қилиш зарур.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари хотин-қизларни жамоат-ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилишлари, бунинг учун уларга барча зарур маданий-маиший шароитларни яратиб беришлари шарт. Бизда жуда кўп муносиб хотин-қизлар бор ва уларни раҳбарлик лавозимларига активлик билан кўтариш зарур.

Ўртоқ Ғуломов ўз сўзини тамомлар экан, область партия ташкилоти олдида катта, масъулиятли вазифалар турганлигини кўрсатди. Биз, деди у, КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитетини Тошкент область партия ташкилоти ҳамда барча меҳнаткашлари етти йилликнинг иккинчи йилида олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун ўзларининг куч ва ғайратларини аямайдилар, мамлакатимизда коммунизм қуриш ишига муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонтирамиз.

* * *

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари **Ф. Е. Титов**, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Ё. С. Насриддинова**, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси **О. А. Алимов** ўртоқлар иштирок этдилар.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“

Тошкент ёнгиликлари

«ВЪЕТНАМ МЕНИНГ ВАТАНИМ»

Белоён денгиз сувини ёриб, корабль сузиб боради. Корабльда бораётганларнинг кўзи узоқдаги қиргоққа қадалган: узоқ йиллар давомида ватандан айрилиқда яшаган вьетнамликлар ота-боболари ерига қайтиб келмоқдалар. . . «Вьетнам, менинг Ватаним» номли янги рангли ҳужжатли фильм шундай бошланади. Бу фильм Ўзбекистон ва Вьетнам Демократик Республикаси кинематографлари томонидан ҳамкорликда яратилган.

Фильмни яратган ижодий коллектив орасида режиссёрлардан Ле Хуэн (Вьетнам), Малик Қаюмов (Ўзбекистон) ва И. Залкинд (Москва); операторлардан Ту Кионг (Вьетнам), А. Турсунов ва М. Пенсон (Ўзбекистон) ўртоқлар бор. Кинофильмда социализм қураётган янги Вьетнам тўғрисида ҳаяжон ва чуқур ҳаққоний билан ҳикоя қилинади. Вьетнамнинг империалистлар ҳукмронлик қилаётган қисмидаги очлик ва қашшоқлик, ҳарбий вазиятга ҳам ёрқин картиналарда кўрсатилган.

Яқинда ҳужжатли фильм жамоат кўригидан ўтказилди. Таҳлилчилар фильмни яхши қарши олишди. Режиссёр Ле Хуэн ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда бундай деди:

— Ихчи мамлакат кинематографларининг ҳамкорлигидаги бу ишлари мустаҳкамланаётган СССР ва Вьетнам дўстлигининг ёрқин намойишидир.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПРОЦЕССИ ҲЕЧ МАРТА ТЕЗЛАШАДИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг полимерлар кимёси институтида халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган тадқиқот ишлари олиб борилаётир. Жумладан бир группа олимлар автомобиль покришкалари ясалдиган синтетик каучук сифатини яхшилаш йўлини топдилар.

Олимлар тадқиқот ишлари олиб бориб, синтетик каучук сифатини яхшилашда полисильвандан фойдаланиш мумкинлигини кашф этдилар (полисильван гидролиз йўли билан пахта шелухасидан олинади). Синов ишлари кабель саноати илмий-текшириш институти билан ҳамкорликда ўтказилди. Сифати яхшиланган каучукдан тайёрланган резина автомобиль покришкалари ясалаётган одатдаги резина аралашмасига қараганда 10 марта кам едирилгани аниқланди.

Олимлар сифати яхшиланган каучукдан резина маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясини ҳам такомиллаштириш йўлини топдилар. Улар таклиф қилган янги усул билан вулканизация қилинганда ишлаб чиқариш процесси 10 марта тезлашади.

1961 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Тошкентдаги ремонт-экскаватор заводи коллективи КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларидан руҳланиб, меҳнатда янги ютуқларни қўлга киритмоқда. Заводда 7 ойлик план 20 июлда бажарилиб, қолган кунлар мобайнида қўшимча равишда 486 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Завод 7 соатлик иш кунига ўтиш арафасида турибди. Шу муносабат билан корхонада қисқартирилган иш кунида, ҳам юқори меҳнат унумдорлигига эришиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган ташкилий-техника тадбирлари амалга оширилмоқда. Ишчилар ўртасида ҳам меҳнат унумдорлиги учун кураш қизғин тус олган. Ҳозир заводда 75 киши 1961 йил ҳисобига ишламоқда. Кундалик норма қарийб 200 процентга етказиб бажараётган слесарь Трубачов, темирчи Ашкилович, дизел ремонти слесарлари Маҳкамов, Сайдалиев ва бошқа ўртоқлар шулар жумласидандир. Корхонада бундай илғорлар сони кун сайин кўпаймоқда.

Тошкент яқинида қурилаётган Туябўғиз сув омбори атрофида бинокорлар поселкаси барпо этилаётир. Поселка атрофи ҳар хил манзарали дарахтлар билан қопланган. Суратда: поселка кўчаларининг бири. И. Глауберзон фотоси.

ҚИЗҒИН ДАМЛАР

Куни кеча пойтахтимиздаги ҳамма олий ва ўрта махсус ўқув юртларида кириш имтиҳонлари бошланди. Бу йил олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кирувчиларнинг кўпчилигини ишлаб чиқаришда тажриба орттирган ёшлар, ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтаб қайтган йигитлар ташкил этади.

Кириш имтиҳонининг биринчи кунида Тошкент Давлат университети ёшлар билан гавжум бўлди. Механика-математика ва физика факультетларига кирувчилар физика, математика фанларидан имтиҳон топширимоқдалар. Уч йиллик ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган тошкентлик Т. Аҳмедов биринчи имтиҳонданоқ аъло баҳо олди. Механика-математика факультетига кириб ўқиш учун ариза берган, ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтаб қайтган сурхондарёлик Мамарасул Туропов ҳам математикадан юқори баҳо олди. Дастлабки имтиҳонда юқори кўрсаткичларга эришган бундай ёшлар анчагина.

Бу йил университетга 2300 га яқин кишидан ариза тушди. Абитуриентларга қулай бўлсин учун имтиҳонлар ўзбек, рус ва қозоқ тилларида қабул қилинмоқда.

Пойтахтимиз билим юртларида ҳам кириш имтиҳонлари зўр уюшқоқлик билан давом этмоқда.

Бу йил В. И. Ленин номидаги Тошкент қизлар педагогика билим юртига 180 студент қабул қилинади. Бу билим юртига кириб ўқиш истагини билдирган ёшлар шу кунларда қизғин дамларни бошдан кечирмоқдалар.

Музика қобилиятини синаш бўйича бўлиб ўтган биринчи имтиҳон ахши натижа берди. Дастлабки имтиҳондан муваффақиятли ўтган ёшлар қолган имтиҳонларни ҳам кўнгилдагидек топшириш учун тайёргарликни кучайтириб юбордилар.

ШАХМАТ ТАРИХИДАН — ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ЧЕМПИОНИ

Вақт ярим кечага яқинлашганига қарамай, мадраса ҳужраларидан бирида ҳали шам ўчмаган. 5-6 киши давра қуриб «сирли» бир тахтага тикилишиб ўтиришарди. Баъзан бу жимликни қотмадан келган, новчагина, ўйчан кўзлари билан ўтирганларга бир-бир қараб ва ҳар хил қилиб ясалган ёғоч доналарини уёқдан бу ёққа олиб қўяётган кишининг овози сал бузиб турарди.

— Жўралар, қадим замонларда Жамшид деган бир подшоҳ ўтган экан. У шахмат ўйинига шунчалик берилиб кетибдики, охири шахмат орқали қимор ўйнашгача бориб етибди. Кунлардан бир кун Жамшид Хисров билан учрашиб бор дунёсини, мол-мулкини ва бутун мамлакатни ўйнга бой бериб қўйибди. Сўнгги ўйинда у ҳеч нарсаси қолмагач, гўзал хотини Дилоромни тикишдан ўзга илож тополмабди. Ўйин бошланибди. Бир неча юришлар қилингандан сўнг ўйин тахтада сиз кўриб турган аҳволга келибди. Жамшиднинг шоҳи тўрт томонлама мот бўлиш хавфи остида. Мотдан қутилиш иложини тополмаган Жамшид таслим қиёфасида севикли хотинига охирги марта айрилиқ назари билан қарайди. Ўйин қоидасига мувофиқ рақибларга четдан ҳеч ким ўргатиши мумкин эмас. Ғоят моҳир шахматчи бўлган Дилором соз билан аста қўшиқ айта бошлабди. Қўшиғининг мазмуни икки руҳингни бер-у, отингнинг жиловини ушлатиб қўйма, яъни Дилоромни қурбон қилма маъносида экан. Бу Дилором айтган юришларни қилиб Жамшид рақибини ютибди. Масала бундай ечилади...

Бу тунги мударрис мадраса талабалари ўртасида шахматни хуфя равишда тарғиб қилаётган Азмиддин Хўжаев эди. Ана шу «қилиқлари» учун Азмиддин Хўжаев мадрасадан бир неча марта ҳайдалган. Лекин шунга қарамай у сатранж ўйнашни, бошқаларни ҳам бу ўйинга ўргатишни ташламаган.

1924 йилгача ўзбеклар орасида ўйналган партиялар ягона халқаро қоидалар бўйича эмас, балки бошқачароқ қоидаларга биноан давом эттириларди. Масалан, рокировка

йўқ эди, бунинг ўрнига шох ўйин давомида бир марта от юриши қилиш ҳуқуқига эга эди; биринчи юришда томонлар фарзин олдидаги пиёдани икки хонага суришга мажбур эдилар; бошқа пиёдалар фақат бир хонагагина суриларди ва ҳоказо. 1924 йилда Тошкентда Азмиддин Хўжаевнинг ташаббуси билан «Эски шаҳар» шахматчиларининг йиғилиши ўтказилади ва эски ўйин қоидаларидан халқаро ўйин қоидаларига ўтиш ҳақида қарор қабул қилинади. Бу ислоҳот Ўзбекистоннинг бошқа жойларида ҳам ўтказилиб, аста-секин ҳамма шахматчилар халқаро қоидалар бўйича ўйнайдиган бўлишади. Шундан сўнг ўзбек шахматчилари орасидан етишиб чиқаётган кучли ўйинчилар турли мусобақаларда илғор рус шахматчилари билан учрашиш ва ўз маҳоратларини яна ошириш имкониятига эга бўладилар. Азмиддин Хўжаевнинг бу ташаббусини республикамизнинг шахмат жамоатчилиги асло эсидан чиқармайди. Бу ислоҳотдан кейин А. Хўжаев «Эски шаҳар»да бир неча шахмат тўгараклари очиб, уларга раҳбарлик қилади ва идрокли шогирдлар етиштира бошлайди. 1929 йилда Азмиддин Хўжаев биринчи категорияли шахматчи бўлиб қолади. Бир йилдан сўнг эса Самарқандда ўтказилган биринчи республика шахмат чемпионатида қатнашиб, ғолиб чиқади ва Ўзбекистоннинг биринчи чемпиони номини олади.

А. Хўжаев ўзига хос, ажойиб шахматчи эди. Унинг ўйин ўрталарида ишлатадиган комбинацилари ва ўйин охирларини ўтказишдаги зўр маҳорати ҳаммани ҳайратда қолдирарди. А. Хўжаевнинг шахматдаги шуҳрати республикамиздан ташқарида ҳам кенг ёйилди. 1931 йилда у СССР биринчилиги ярим финал мусобақасида қатнашди. Москвадаги бу катта «кураш»да ўзбек шахматчиси биринчи икки учрашувни ғалаба билан яқунлайди. Ана шундан кейин мусобақа қатнашчилари ва юзлаб тамошабинлар Хўжаевнинг маҳоратига тан беришади.

А. Хўжаев мусобақаларда ўзи қатнашиши билан бирга жуда кўплаб шогирдлар ҳам тайёрлаган. У Тошкентдаги Сталин номли пионерлар саройи ҳузурида бўлган шахмат тўгарагида кўп йиллар давомида раҳбарлик қилиб, А. Айрапетов, Х. Абдуллаев, В. Ясевич, А. Сорокин, Р. Раҳимов каби бир неча етук шахматчиларни тарбиялади.

Талантли шахматчи А. Хўжаев узоқ давом этган касаллиқдан сўнг 1946 йилда, 54 ёшида вафот этди. Ўзбекистонда шахмат ўйинини ривожланишига муҳим ҳисса қўшган Азмиддин аканинг номи ҳали-ҳали ҳурмат билан тилга олинади.

М. МУҲИТДИНОВ,
СССР спорт мастери.

Сибирь ва Урал меҳнаткашларига

Бўстонлиқ район колхозларида етиштирилган сабзавот ва ҳўл мевалардан ҳар йили Сибирь ва Урал саноат корхоналарининг меҳнаткашларига жўнатилиб туради. Бу йил ҳам ана шу жойларга Бўстонлиқ далаларининг мўл ҳосилидан юборилиб турибди.

Яқинда Владивосток шаҳрига помидор ва картошка юборилди. Поезд состави Свердловск шаҳри меҳнаткашларига 25 тонна сабзавот ва олма олиб кетди. Икки ой мобайнида ҳаммаси бўлиб Сибирь шаҳарларига 1 минг тоннадан ортиқ сабзавот маҳсулотлари, қовун-тарвуз ва узум етказиб берилади. Бўстонлиқ консерва заводи эса 500 тоннадан ортиқ томат тайёрлаб жўнатади.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

ХАЛҚАРО ҲАҲВОЛ

ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛЛАРДА

ЖЕНЕВА, 1 август. (ТАСС). Локарнода 13- халқаро фестиваль тугади. Италиялик режиссёр Мауро Баланьини «Гўзал Антонио» деган фильм учун «Олтин елкан» биринчи мукофотини олди. «Кумуш елкан» мукофоти «Фома Гордеев» деган фильмга энг яхши режиссерлик учун (режиссер Марк Донский), Чехословакия киноартисти Яна Брежковага «Олий принцип» деган фильмда яратган роли учун, итальян артисти Спирос Фокасга «Дўстнинг ўлими» деган фильмда ижро этган роли учун, француз сценариячиси Даниэль Буланжега «Масхарабоз» фильмининг сценарияси учун, америкалик актер Жонни Нэшга «Улкан қадамлар» фильмидаги ролни бажарганлиги учун берилди.

Бундан ташқари, қисқа метражли фильм учун Голландиянинг «Денгиз ва шамол» фильмига биринчи мукофот, Чехословакиянинг режиссери Зденек Миллер яратган «Руҳ ҳақида эртак» фильмига иккинчи мукофот берилди.

РИМ ,1 август. (ТАСС). Порреттода (Болонья яқинида) халқаро кинофестиваль тамом бўлди. Бу фестивалда СССР, Аргентина, Бразилия, Франция, Англия, Чехословакия, Италия ва бошқа мамлакатларнинг бадиий ва ҳужжатли фильмлари кўрсатилди.

Чехословакиянинг «Ромео Жульетта ва зулмат» деган фильми биринчи мукофот олди.

КИПРДА САЙЛОВ

ЛОНДОН, 1 август. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг Никозиядан хабар беришича, кеча Кипрда вакиллар палатасига сайлов ўтказилган. Кипрлик грекларнинг сайлов округларида республика президенти архиепископ Макариосни қувватлаётган ватан фронти вакиллари, шунингдек прогрессив «Акэл» партиясининг вакиллари ғалаба қозонган. Улар палатада конституцияга мувофиқ кипрлик греклар учун кўзда тутилган 35 ўриннинг ҳаммасини эгаллаганлар. Қолган 15 ўринни Кипрдаги турк жамоатлари етакчи уч ташкилотини ўз ичига олган миллий коалиция кандидатлари олганлар. Мухбирнинг хабарида айтилишича, вакиллар палатасига сайловда сайловчилар активлик кўрсатмаган. Овоз беришда уларнинг фақат 64 процента қатнашган.

Телевизор экранида

3 АВГУСТДА

19.30. Мактаб болалари учун ўзбек тилида «Пионер лагерида» деган эшиттириш

19.50. «Қурилиш янгиликлари» — киножурнал.

20.00. Сўнгги ахборот.

20.20. Саноат ходимлари учун ўзбек тилида эшиттириш. «КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларини амалга оширамиз» деган эшиттириш.

20.40. «Опера ҳаваскорлари». — рус тилида музикали телевизион очерк.

21.40. Киноповесть — «Акула тиши».

4 АВГУСТДА

19.30. Ёшлар учун ўзбек тилида «Жонажон ўлка бўйлаб» деган эшиттириш.

19.50. Сўнгги ахборот.

20.10 Врач суҳбати.

20.25. «Сатира ва юмор» — ўзбек тилида адабий эшиттириш.

20.55. Бадиий фильм — «Петербург туни».

ШОНЛИ 33 ЙИЛЛИК

ПЕКИН, 1 август. (ТАСС). Бугун Хитой халқи ўз халқ озодлик армияси тузилган куннинг 33 йиллигини нишонламоқда. Республика газеталари ана шу воқеага бағишлаб мақолалар, шеърлар ва ҳикоялар, шунингдек жуда кўп фотосуратлар босиб чиқардилар.

Хитой халқи озодлик қураши тарихидаги ана шу шонли кунга этаб Пекинда Марказий халқ революцион музейи очилди. Музейнинг 20 мингдан ортиқ экспонатлари Хитой халқи ва унинг армиясининг Хитойни озод қилиш учун қаҳрамонона революцион курашини акс эттиради. халқ озодлик армиясининг ўсиши ва мустаҳкамланиши ҳақида ҳикоя қилади.

ЯНГИ ДАВЛАТ

ПАРИЖ, 1 август. (ТАСС). Бугун 00 соатда Дагомея Республикаси мустақиллигини эълон қилишнинг тантанали маросими бўлиб ўтди. Чет эл информация агентликларининг хабарига қараганда, тегишли ҳужжатлар 30 июлда Франция ҳукуматининг вакили Луи Жакино ва Дагомея бош министри Юбер Мага томонидан имзоланган.

* * *

Дагомея Гвинея кўрфазининг қиргоғида жойлашган. Мамлакат ғарб томондан Того билан, шарқ томондан Нигерия билан, шимол томондан Юқори Вольта ва Нигер билан чегарадошдир. Дагомея майдони 112 минг квадрат километр бўлиб, унда 1 миллион 600 мингдан кўпроқ аҳоли яшайди.

Ўтган асрнинг 90-йилларида Дагомеяни забт этган Франция империалистлари янги давлатга жуда қолоқ экономикани мерос қилиб қолдирдилар. Дагомеликларнинг асосий машғулоти — деҳқончилик; шунингдек чорвачилик ва балиқ овлашдир. Деҳқонлар маккажўхори, тариқ, маниок, банан етиштирадилар. Европаликларга қарамли техника экинлари (асосан мой берадиган пальма ва пахта) плантациялари бор. Саноат типик мустамлака характерига эгадир. Озгина миқдорда ярим кустарь корхоналар қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш билан машғулдир. Фойдали қазилма заҳиралари амалда разведка қилинмаган.

Дагомея республикаси Франция Иттифоқи составида қолади.

КОНГОДАГИ АГРЕССИЯГА ХОТИМА БЕРИЛСИН

ДАМАШҚ, 1 август. (ТАСС). Дамашқда чиқадиган ҳамма газеталар Совет ҳукуматининг Конгодаги агрессияга хотима бериш учун қатъий чоралар кўришга тайёр эканлиги тўғрисидаги баёнотини катта сарлавҳалар билан босиб чиқармоқдалар. «Алвадда» газетаси сарлавҳада: «Совет Иттифоқи Конгодаги империалистик агрессияни тўхтатиш учун қатъий ҳаракат қилиши ҳақида огоҳлантирмоқда» деб ёзади. «Аннаср» газетаси «Конгодаги агрессия давом этган тақдирда Совет ҳукумати қатъий чоралар кўриш олдида тўхтаб турмайди» деган сарлавҳа берган.

ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

ҚОҲИРА, 1 август. (ТАСС). Бу ерда Жазоир миллий-озодлик армияси олий қўмондонлигининг 20 июлдан 26 июлгача Жазоирдаги уруш ҳаракатлари тўғрисидаги ахбороти эълон қилинди. Ахборотда айтилишича, миллий-озодлик армиясининг кучлари душманнинг 26 ҳарбий постига ҳужум қилганлар, Жазоир партизанлари Жазоирнинг бир қанча шаҳар ва қишлоқларида 32 операция ўтказганлар. Жанглар давомида француз солдатлари ва офицерларидан 264 киши ўлдирилган ва 229 киши ярадор қилинган, душманнинг 42 автомашинаси яксон қилинган, бир неча самолети, шунингдек 16 вертолети уриб туширилган, 2 поезди ағдариб юборилган.

МУСТАМЛАКАЧИЛАРНИНГ ЙИРТҚИЧЛИГИ

ЛОНДОН, 1 август. (ТАСС). «Ньюс кроникл» газетаси мухбирининг Иоганнесбургдан хабар беришича, ҳозирги вақтда Жанубий Африка иттифоқида фавқулодда ҳолатга мувофиқ 14 минг африкалик турмаларга ташланган; буларни асосан 21 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади.

Мухбирнинг айтишича, маҳбуслар мудҳиш шароитда сақланмоқда. Уларни, деб ёзади мухбир, ташландиқ эски кон жойидаги катта қамоқ лагерига ғўплаганлар.

УЧ ДАВЛАТНИНГ ЖЕНЕВА КЕНГАШИДА

ЖЕНЕВА, 1 август. (ТАСС). Бугун бу ерда ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида уч давлат кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Кенгашга тақдим этилган ҳужжатларни муҳокама қилиш давом этди.

Об-ҳаво қандай бўлади?

Бугун кундузи Тошкент области ва Тошкент шаҳрида ҳавонинг очиқ бўлиши кутилади. Тошкент областида 27—32 даража, пойтахтда эса 30 даражага яқин иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТОШКЕНТНИНГ ТАНЫШИ ЗАЛЛАРИДА

Серёжа — «ЎЗБЕКИСТОН», қишки НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 8-45 минут ва 10 яримда).

Жондан тўйган шоферлар — қишки «ВАТАН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч 9-15 минут ва 11 да), КАФАНОВ номли (кеч 9 да), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч 8-50 минутда), ПУШКИН номли (кеч 9 ва 10-50 минутда).

Янги Деҳли (1- серия) «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), КАФАНОВ номли (кеч соат 10-45 минутда).

Музикали воқеа — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Шоирнинг тақдири — қишки НАВОИЙ номли (соат 5 да).

Қизил япроқлар — «ОКТЯБРЬ» (кеч соат 9 ва 10-40 минутда).

Мундирнинг кучи — ёзги «ВАТАН» (кеч соат 9-10 минутда), ёзги НАВОИЙ номли (кеч 9 ва 10-40 минутда).

Шаҳсан маълум — СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 10-40 минутда):

Биринчи кўришда берилган кўнгил — «УДАРНИК» (кеч соат 9 ва 10-45 минутда):

Мамлук — «ПОБЕДА» (кеч соат 9 ва 11 да).

Фаол кўча, 40-уйда турувчи Абдуҳаким Абдуманнонович Абдумавлоновнинг Калинин район, К. Маркс қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз территориясида турувчи Умри Асиловадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Калинин район халқ судида кўрилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ГРАЖДАНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
«ГОСТБАНТРЕСТ»НИНГ 1 ВА 2-КИР ЮВИШ ХОНАЛАРИ

кирни гражданлар уйида

ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛАДИ

Уйга чақириш учун кир камида 5 килограмм бўлиши шарт.

Кирни ювиш ва дазмоллаш ҳақи — ҳар килограммига 3 сўм 20 тийин. Чақириш ҳақи — 5 сўм.

Кирни ювишга бериш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:

1- кир ювиш хонасининг телефони — 32-919. Пушкин проезди, 4- уй.

2- кир ювиш хонасининг телефони — 32-627. Адрес: 8 Март кўчаси, 1- уй.

Кир сифатли қилиб ювилади ва 5 кун ичида уйга етказиб берилади.

Кир ювиш хоналари хизматидан фойдаланиб, вақтни тежанг!

УРТА ОСИЕ ЭНЕРГОСИСТЕМАЛАРИНИНГ БИРЛАШГАН ДИСПЕТЧЕРЛИК БОШҚАРМАСИГА

электрик инженерлар ва техник-лар, инженер-гидроэнергетик

керак

Адрес: Тошкент шаҳар, Фрунзе кўчаси, 27-уй

Республикамиз пойтахти Тошкентнинг жуда кўп жойларида қурилиш ишлари олиб борилаётир. Тез суръатлар билан қад кўтараётган кўркам бинолар шаҳарнинг ҳуснига-ҳуси қўшмоқда. Суратда: Тошкентдаги янги Пахта кор кўчаси. А. Палехов фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг адреси

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140 Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалиқ бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими—29040, 50. Секретариат—34808, 115 Эълонлар бўлиши—28142.

Р 10038. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А. 1848.